



ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИНИ ҮЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Исломов Баҳриддин

Судьялар олий мактаби магистранти

Аннотация: Маълумки, лизинг шартномаси фуқаролик муомаласининг ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Лизинг замонавий, юксак технологияларни кенг миқёсда жалб қилган ҳолда, иқтисодиёт ва бизнес ривожланишининг гаровидир. Р.Дўстмуродов таъкидлаганидек, лизинг – бу асосий воситалар, қурилмалар шунингдек узоқ вақт ишлатиладиган истеъмол молларининг узоқ муддатли ижараси бўлиб, пул шаклидаги эмас, балки моддий шаклдаги кредит беришида ифодаланади. Лизинг асосида мол-мулкдан фойдаланувчи ва лизинг компанияси ўртасидаги муносабатлар бўлиб, унга зарурий мол-мулк учун у мурожаат қиласди ва у маҳсус рафишида шу мақсад учун уни сотиб олади (бундай муносабатлар тарафлари турли мамлакатларда турлича номланади). Лизингда ушибу иштирокчилардан ташқари бошқа субъектлар ҳам иштирок этишилари мумкин (масалан, қарз берувчилар, кафиллар), аммо лизингда кўпроқ учта тараф иштирок этади. Мамлакатимизда лизинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамияти ва зарурати бугунги кунда асосий масалалардан бирига айланниб улгурган. Чунки лизинг жараёнларининг ривожланиши динамикаси йилдан йилга ошиб бормоқда ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишининг бир қисмига айланмоқда. Ушибу мақола лизинг шартномасини үзгартириши ва бекор қилиши асослари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: лизинг шартномаси, лизинг берувчи, лизинг олувчи, сотувчи, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, лизинг шартномасини үзгартириши ва бекор қилиши асослари.

Маълумки, лизинг шартномаси фуқаролик муомаласининг ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Лизинг замонавий, юксак технологияларни кенг миқёсда жалб қилган ҳолда, иқтисодиёт ва бизнес ривожланишининг гаровидир. Р.Дўстмуродов таъкидлаганидек, лизинг – бу асосий воситалар, қурилмалар шунингдек узоқ вақт ишлатиладиган истеъмол молларининг узоқ муддатли ижараси бўлиб, пул шаклидаги эмас, балки моддий шаклдаги кредит беришида ифодаланади¹.

¹Дўстмуродов Р. Фермер ҳўжаликларини техника билан таъминлашда лизинг тизимининг аҳамияти // Бозор ислоҳатларини чукурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантири: илмий-амалий семинар маъruzалар тўплами. - Тошкент. 2011. – 25 б.



Халқаро молия корпорацияси (ХМК) мутахассислари томонидан лизинг қуйидаги талқин қилинган: лизинг – бу мулкий муносабатлар мажмуи бўлиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа бир тараф (лизинг олувчи) нингтотшириғига биноан учинчи тараф (мол етказиб берувчи)дан лизинг шартномасига мувофиқ лизинг объекти бўлган мулкни ўз мулки қилиб сотиб олиб, уни тўлаш асосида лизинг шартномасида белгиланган шартлар билан вақтингчалик фойдаланиш ва эгалик қилиш учун лизинг олувчига беради².

Европа федерациясининг лизинг бўйича миллий ассоциацияси томонидан лизингга берилган таъриф хам эътиборга моликдир: лизинг – бу ижарачининг ишлаб чиқариш мақсадида завод, саноат товарлари, ускуналар ва кўчмас мулклардан фойдаланиш бўйича ижара шартномаси бўлиб, бунда мазкур товарлар ижара берувчи томонидан сотиб олиниб, у мулкка бўлган эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади³.

Лизинг асосида мол-мулқдан фойдаланувчи ва лизинг компанияси ўртасидаги муносабатлар бўлиб, унга зарурий мол-мулк учун у мурожаат қиласди ва у маҳсус равишда шу мақсад учун уни сотиб олади (бундай муносабатлар тарафлари турли мамлакатларда турлича номланади). Лизингда ушбу иштирокчилардан ташқари бошқа субъектлар ҳам иштирок этишлари мумкин (масалан, қарз берувчилар, кафиллар), аммо лизингда кўпроқ учта тараф иштирок этади⁴.

Мажбуриятларнинг бекор бўлиши – бу ҳуқуқий муносабатлар жараёнида қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда ёки шартномада назарда тутилган зарурий натижаларга эришилганда муайян мажбурият тури бўйича бир тарафнинг талаб қилиш ҳуқуқи ва унга мувофиқ бўлган иккинчи тарафнинг мажбурият бекор бўлиши билан боғлиқ ҳолатдан иборат якунловчи босқичдир⁵.

“Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасида лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш назарда тутилган бўлиб, лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш, агар қонун ҳужжатларида ва шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар келишувига биноан амалга оширилиши назарда тутилган холос. Лизинг шартномасининг бекор бўлиш асослари ва тартиби ҳақидаги нормалар тўла-тўқис мустаҳкамлаб қўйилмаган. Бироқ ушбу ҳолат лизинг шартномасини бекор бўлиши билан

² Лизинг инфо. Лизинг что это такое? Бизнес Вестник Востока, 23 мая 2002. №21 (539).

³ “Крокус Интернэшнл”. Лизинг и коммерческий кредит. – М.: 1990. – С. 7.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарх. 2-жилд. – Тошкент: Baktria press, 2013. – Б. 369-370.

⁵ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи. -Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 206 б.



боғлиқ тартибга таъсир ўтказмайди. Лизинг шартномасининг бекор бўлишига нисбатан мажбуриятларнинг бекор бўлиши, шартномаларнинг бекор бўлиши ва мулк ижараси шартномасининг бекор бўлишига доир қоидаларни қўллаш мумкин бўлади⁶. Шартнома бекор қилинганида тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади.

Лизинг шартномасини бекор қилиш қуйидаги ҳолатларда юзага келади. Биринчидан шартноманинг амал қилиш муддати тугаши билан лизинг шартномаси бекор бўлган ҳисобланади. Иккинчи ҳолатда лизинг берувчи лизинг шартномасини зудлик билан бекор қилиш ҳақида қуйидаги ҳолларда билдиришнома беришга ҳақли: ускунанинг олди-сотди шартномаси кучга кирмаган бўлса ёки ускуна лизинг берувчига етказиб берилигунга қадар унинг сабабларидан қатъи назар бекор қилинган бўлса; етказиб берувчи сабабларидан қатъи назар ускунани етказиб бериш имкониятига эга бўлмаса; Бу ҳолларда шартнома бекор қилинганда ли зинг берувчи ва лизинг оловчи ушбу битимга мувофиқ ўзаро мажбуриятлардан озод қилинадилар.

Шунингдек лизинг оловчи ушбу шартнома билан назарда тутилган тўловларни амалга ошириш юзасидан мажбуриятларини икки мартадан ошиқ муддат давомидан бажармасдан келса, лизинг оловчи тўловни амалга ошириш талаби қўйилгандан кейин белгиланган муддат давомида барча қарзларни (жумладан тўловни кечиктирганлик учун пеняни) тўлиқ тўлаб бермаса; лизинг оловчи ушбу шартнома билан назарда тутилган бошқа мажбуриятларга амал қилиш бўйича талабларни қаноатлантирумаса, ускунадан ушбу шартнома шартларини бузган ҳолда фойдаланса лизинг шартномасини бекор қилиш учун асослар мавжуд бўлади⁷. Хусусан, лизинг оловчи ускунани қабул қилиш вақтида унинг нормал ишлапшини истисно этадиган ва бартараф этиш имконияти бўлмаган камчиликларни аниқлаган тақдирда ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

“Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси тўртинчи қисмида лизинг шартномасини бекор қилиш асослари белгилаб қўйилган. Ушбу моддага кўра, лизинг оловчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни ёхуд етказилган зарарни ундириб ва (ёки) лизинг объектини қайтиб олган тарзда

⁶ Новик В.Л. Растворение договоров по инициативе одной стороны во внесудебном порядке // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. 2012. – № 9 (28). – С. 64-69.

⁷ Рахимова Ю.А. Шартномаларни ўзгартириш ва бекор килишнинг фукаролик-ҳуқукий жиҳатлари. Монография. –Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 177 б.



шартномани бекор қилишни талаб этишга ҳақли. Ушбу ҳолатда лизинг шартномасини лизинг берувчи томонидан бекор қилиш асослари вужудга келади. Лизинг шартномаси юзасидан келиб чикадиган низоларни тарафлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этадилар. Қонунга кўра лизинг шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса.

Лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш масаласига тўхталар эканмиз лизинг шартномасини бекор қилишда лизинг олувчини ҳуқуқларига эътибор қаратишимиш лозим. Мазкур ҳуқуқ “Лизинг тўғрисида”ги Қонунда белгилаб қўйилган бўлиб, лизинг обьекти етказиб берилмаган, тўлик етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг обьекти етказиб берилган тақдирда, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг тўловлари тўлашни кечиктириш, етказиб бериладиган лизинг обьектидан воз кечиш ва лизинг шартномасининг бекор қилинишини талаб этиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш оқибатлари қуйидаги ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради. Шартнома ўзгартирилганида тарафларнинг мажбуриятлари ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади⁸. Шартнома бекор қилинганида тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади. Шартнома ўзгартирилган ёки бекор қилинган тақдирда, агар келишувдан ёки шартномани ўзгартириш хусусиятидан бошқача тартиб англашилмаса, тарафлар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга келишган пайтдан бошлаб, шартнома суд тартибида ўзгартирилган ёки бекор қилинганида эса – суднинг шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб мажбуриятлар ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади. Агар қонунда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, тарафлар шартнома ўзгартирилгунча ёки бекор қилингунча мажбурият бўйича ўзлари бажарган нарсаларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмаслар. Агар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга тарафлардан бирининг шартномани жиддий бузиши асос бўлган бўлса, иккинчи тараф

⁸ Григорян А.А. Растворжение договора лизинга // Лизинг. 2014. – № 12. – С. 46.



шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тұлашни талаб қилишга ҳақы.

Бугунғи күнда лизинг фаолиятида лизинг шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Шунинг учун лизинг фаолиятини қонуний асосларини такомиллаштириш долзарб масала бўлмоқда. Зеро лизинг фаолиятига қонунда тўғри ва аниқ таъриф берилганлиги боис лизинг фаолияти тизимли ривожланмоқда. Мазкур соҳада қонунчилик базаси шакллантирилиб келинаётган бўлишига қарамасдан, лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари мавжуд. Хусусан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида шу нарса маълум бўляптики, лизинг тўғрисидаги қонуннинг баъзи нормалари шартнома субъектлари ҳуқуқларини бир томонлама ҳимоя қилишга қаратилганлиги лизинг муносабатларининг янада тараққий этишига тўсқинлик қилмоқда. Лизинг шартномаларини мукаммал тузилишига тўсқинлик қилмоқда. Натижада лизинг шартномаси билан боғлиқ муносабатларда низо келиб чиқмоқда. “Лизинг тўғрисида” ги қонуннинг 11-моддасига аҳамият берадиган бўлсак ушбу моддада лизинг берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний белгиланган. Мазкур қонунга кўра, лизинг берувчи қўйидаги ҳуқуқларга эгадир: лизинг олувчининг лизинг обьектидан қандай шароитларда фойдаланаётганлигини ва уни белгиланган мақсадига мувофиқ ишлатаётганлигини лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ назорат қилиш; лизинг олувчининг розилиги билан лизинг обьекти ва унинг сотувчисини танлаш; қонун ҳужжатларида ёки лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг обьектини талаб қилиб олиш; лизинг олувчи лизинг шартномасини жиҳдий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни ёхуд етказилган зарарни ундириб ва (ёки) лизинг обьектини қайтиб олган тарзда шартномани бекор қилишни талаб этиш. Агар лизинг обьекти лизинг берувчининг айби билан етказиб берилмаган бўлса ёки лизинг шартномаси шартларига номувофиқ бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчининг розилиги билан ўзи лозим даражада бажармаган лизинг шартномаси шартларини тузатиб бажаришга ёки лизинг олувчига бошқа лизинг обьектини таклиф этишига ҳақы. Лизинг берувчи: лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериши; лизинг олувчи учун мол-мулк олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингта беришга



мұлжалланғанлигини сотувчига маълум қилиши; лизинг обьектини, агар шартномада шундай шартлар назарда тутилған бұлса, сақлаб турыш, таъмирлаш ва унга техник хизмат күрсатиш бүйіча лизинг олувчи олдида үз зиммасига олинган мажбуриятларни үз вақтида ва тұлық ҳажмда бажариши шарт. Лизинг берувчи қонун ҳужжатларида белгиланған бошқа ҳуқуқтарға эга бўлиши ва үзга мажбуриятларни бажариши мумкин. Мазкур моддани таҳлил этсак, лизинг фаолиятида лизинг берувчини ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланған. Бироқ бир масала борки, лизинг фаолиятида лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинған тақдирда лизинг берувчи иқтисодий зарар кўрмоқда. Чунки қонунда лизинг обьекитини нормал эскириш муддати белгиланған. Лизинг фаолиятида юз миллион нархга эга бўлған техника лизинг шартномасида етти йил муддатга тузилған бўлиб, олдиндан тўлов йигирма фоиз этиб белгилан бўлсада бироқ уч йилдан сўнг лизинг шартномаси бекор қилинған тақдирда лизинг обьекти йиллик эскириш фоизига нисбатан аввалги белгиланған нархдан пасайиб кетаётгани аниқланади. Натижада лизинг берувчи иқтисодий зарар кўрмоқда. Чунки мазкур техникани қайта лизингга беришда обьект суммаси тушиб кетмоқда. Шундай экан лизинг берувчи лизинг обьектины амалда фойдаланишда бўлған даври учун қонунда күрсатилған эскириш қийматини олдиндан тўланған аванс қийматига нисбатан ҳисоблаган ҳолда тўлашни лизинг олувчидан талаб қилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу ҳолатта қонуний аниқлик киритиш мақсадида мазкур модданинг биринчи қисм бешинчи хатбошиси сифатида қўйидаги таклифни киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. **“Лизинг шартномаси олдиндан бекор қилинған ва лизинг обьекти қайтарилған тақдирда, агарда лизинг обьекти қийматининг бир қисми аванс сифатида тўланған бўлса, лизинг обьектининг амалда фойдаланишда бўлған даври учун қонунда белгиланған эскириш қийматини лизинг обьектини олдиндан тўланған қийматига нисбатан ҳисоблаган ҳолда тўлашни лизинг олувчидан талаб қилишга ҳақли”** Ушбу ҳолатда лизинг берувчининг ҳуқуқи сифатида киритилаётган таклифдан кўзланған максад, лизинг фаолиятидаги муносабат иштирокчиларини teng ҳуқуқлигини таъминлашдан иборат.

Иккинчи масала мазкур қонуннинг 12-моддаси иккинчи қисми тұрттынчи хатбошиси қўйидагича баён этилған “лизинг шартномаси бекор қилинғанда лизинг олувчи лизинг обьектини лизинг берувчидан қандай ҳолатда олган бўлса, шундай ҳолатда, нормал эскириш ва тарафларнинг келишувида шартлашилған ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтариши



шарт, ушбу модданинг иккинчи қисмид назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.” Мазкур қисмда қўлланилган “**нормал эскириш**” атамаси “**жисмонан эскириш (физик жиҳатдан емирилиши)**” деб белгиланишини таклиф этамиз. Чунки ушбу ҳолатда товарнинг бошланғич қийматини йўқотилиши ўз аксини топмаган. Жисмонан эскириш (физик жиҳатдан эскириш) дейилганда эса техникани аниқ ускунаси эскиргани ёки зарар кўрганини англатади. Шунингдек “нормал эскириш” термини Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасида қўлланилган амортизация сўзи билан бир хил эмас. Бу ҳолат биринчидан қонундан фойдаланувчиларда тушунчаларни чалкаштириш каби ҳолатларни вужудга келтиради. Иккинчидан қонунда атамаларнинг бир хил эмаслигини кўрсатади.

Ҳулоса қилиб айтганда, қонунларни амалиётда қўллаш тажрибасини тахлил қилиш шуни кўрсатадики, қонунчиликдаги камчилик ва ечилиши керак бўлган масалаларни назарий тарафдан ечимини топиш ва амалиётга тўғри татбиқ этиш асосий мақсад ва вазифамиздир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дўстмуродов Р. Фермер хўжаликларини техника билан таъминлашда лизинг тизимиning аҳамияти // Бозор ислоҳатларини чукурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантири: илмий-амалий семинар маъruzалар тўплами. - Тошкент. 2011. - 25 б.
2. “Крокус Интернэшнл”. Лизинг и коммерческий кредит. - М.: 1990. - С. 7.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 2-жилд. - Тошкент: Baktria press, 2013. - Б. 369-370.
4. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи. -Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 206 б.
5. Новик В.Л. Расторжение договоров по инициативе одной стороны во внесудебном порядке // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. 2012. - № 9 (28). - С. 64-69.
6. Рахимова Ю.А. Шартномаларни ўзгартириш ва бекор қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари. Монография. -Тошкент: ТДЮИ, 2012. - 177 б.



7. Григорян А.А. Расторжение договора лизинга // Лизинг. 2014. – № 12. – С. 46.
8. Имомов, Н. (2018). The tasks of the Civil Code: Regulation of Social Relations or Determination Of Rights. *Юридик фанлар аҳборотномаси*, (1), 43-49.
9. Имомов, Н. (2020). ЭСТОППЕЛЬ И ЕГО ВЫРАЖЕНИЕ В ГРАЖДАНСКОМ ПРАВЕ. *Review of law sciences*, 2(Спецвыпуск), 43-48.
10. O'G'Lи, A. A. M. (2022). KОРPORATSIYA USTAV KAPITALI FUNKSIYALARI VA UNGA OID MILLIY QONUNCHILIK NORMALARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI. *Academic research in educational sciences*, 3(8), 109-113.
11. Ibrohimov, A. A. M. O. G. (2023). IJARA MUNOSABATLARIDA IJARA HAQINI TO'LASH BILAN BOГ'LIQ MASALALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(2), 607-612.